



# Ishonch

## Моҳият

Бу дунёда ҳар қайси инсон бахтли бўлишни, муносиб ҳаёт кечирганини истайди. Халқимизнинг шу борадаги эзгу орзу-интилишларини рўйбга чиқариш, эл-юртимиз учун ҳеч қандаш кам бўлмаган ҳаёт даражасини таъминлаш йўлида ўзимизни аямасдан меҳнат қилиш биз — раҳбар ва фаолларнинг нафақат вазифамиз, айтишда ҳам муқаддас бурчимиздир.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

## Самарқанд вилояти кенгашининг сессияси

Шу йил 17 декабр куни Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Самарқанд замини хусусида сўз юритганда, биз унинг қадимийлиги, дунёдаги энг кўна ўлкалар қаторида туриши, шу билан бирга, гўзал ва бетакрор табияти, умумбаشارий цивилизация ривожига кўшган бекиёс хиссаси ҳақида, улуг мутафаккир зоғлар, олиму фузалолар ва жасур саркардалар ҳақида гапиришимиз одат тусига кириб қолган, деди Юрбощининг. Лекин бугун Самарқанд воҳасининг ана шундай буюк тарихини яна бир марта эътироф этган ҳолда, вилоятнинг ер ости ва ер усти бойликлари, унинг улкан салохияти, бундай ноб ишончларни ишга солиш ва уларни эл-юртимиз манфаати йўлида оқилона ишлатиш хусусида фикр юритишимиз айтиш мумкин бўлади. Бунда, авваламбор, бу соҳада қилаётган ишларимизга танқидий кўз билан қараб ва холисона баҳо бериш асосий вазифамиз бўлиши керак. Ўз фаолиятимизга чуқур ва атрофлича баҳо бермасдан, бой берилган имкониятларни тўғри таҳлил қилмасдан ва тегишли хулосаларни чиқармасдан туриб, ҳаммамиз яхши тушунамизда, бошлаган ишларимизни давом эттириш, энг муҳими, ҳар қайсиимиз ўз жойимизда халқимизнинг бизга билдирган ишончини оқлашимиз қийин бўлади.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, бир ҳақиқатни эсимиздан чиқармаслигимиз лозим: Самарқанд вилояти, шу юрда яшаётган меҳнаткаш халқ ҳеч қачон оқсоқлар қаторида бўлмаган, доимо илгорлар сафидан муносиб ўрин эгаллаб келган, лўнда қилиб айтганда, ҳеч қимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайди, деди Ислом Каримов. Давлатимиз раҳбари бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Самарқанд воҳасида ҳам кейинги йилларда вилоят аҳлининг фидокорона меҳнати билан кўпгина ижобий ўзгаришлар амалга оширилаётгани ҳақида тўхталиб, қуйидаги мисолларга алоҳида эътибор қаратди.

Жорий йилнинг 9 оқи давомида вилоятда ялли худудий маҳсулот ҳажми 112 фоизга ўсган, саноатда 116 фоиз, қишлоқ хўжалигида 108,5 фоиз, қурилиш соҳасида 140 фоиз ўсишга эришилган. Вилоят меҳнат-қашлари пахта ва галла, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйича ҳам шартнома режаларини муваффақиятли адо этиб, Самарқанд деҳқонларининг миришкорлик фазилатларини амалда намоён этиб келмоқда. Капитал қурилиш соҳасида ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Айтишга, Самарқанд шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чоратадбирлар Дастури тўғрисидаги ҳукумат қарори асосида бу азим шаҳарда улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳарнинг 5-10 йил бурунги қиёфаси, тангу тор кўчалари, режасиз, пала-партиш қурилган кўрмисиз биноларини Самарқанднинг бугунги манзараси билан солиштирадиган, қиёслайдиган бўлса, ер билан осмонча фарқ борлигини кўриш қийин эмас. Хусусан, Самарқанд аэропортини ре-

конструкция қилиш учун катта сармоя жалб қилиниб, бу ерда бажарилган қурилиш ва ободончилик ишлари натижасида аэровокзал комплекси энг замонавий талабларга жавоб берадиган, гўзал қиёфага эга бўлди. Худди шундай ўзгаришлар Самарқанддаги темир йўл вокзали ва унинг ён-атрофида ҳам амалга оширилди. Айтиш мумкин 14 миллиард 700 миллион сўм маблағ ҳисобидан шаҳар кўчаларининг катта қисми кенгайтирилиб, капитал таъмирланди. Жами 450 та объектда, жумладан, 42 та кўп қаватли уй, 165 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 60 та ижтимоий соҳа объекти, бир қатор маъмурий ва хусусий турар-жой биноларида кенг қўламли қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Бу мақсадлар учун корхона ва ташкилотлар маблағлари, банкларнинг кредити ҳисобидан қарийб 152 миллиард сўм сарфланди. Дунёга машҳур, кўпчилик бир қўришни орзу қиладиган, Самарқанд аҳлининг энг сеvimли маскани бўлмиш Регистон майдони, Бибихонин, Шоҳи Зинда, Ҳазрати Хизр эратогҳлари охириги йилларда ҳар

томонлама обод қилиниб, бутун жаҳондан келадиган меҳмон ва сайёҳларнинг ҳавасини тортмоқда. Имом Бухорий мажмуасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, бундай муқаддас қадимларнинг янада обод бўлиб бораётгани кўпгина муслимон мамлакатлари давлат арбоблари ва жамоатчилиги, минглаб зиёратчиларнинг юксак эътибори ва ҳурматига сазовор бўлмоқда. Шу кунларда 6 миллиард 500 миллион сўм маблағ сарфланиб, Сибё деҳқон бозорини реконструкция қилиш ва унинг худудини ободонлаштириш ишлари якунига етказилмоқда. Шулар қаторида, салкам 4 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилиб, Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек расадхонаси худудидан янги музей биноси, кенг майдон ва сўлим хиёбон барпо этилиб, буюк бобомизнинг муаззам ҳайкали ўрнатилиб, бугунги кунда бу маскан Самарқанд тарихининг яна бир ёрқин кўзгусига айланди. Самарқанд шаҳри билан бир қаторда Пастдаргом, Жомбой ва Ургут туманларида, узоқ-яқин қишлоқларда ҳам ана шундай кўлаб бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. (Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ  
З.Т.Мирзаевни Самарқанд вилояти ҳоқими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Зойир Тоирович Мирзаев Самарқанд вилояти ҳоқими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2010 йил 17 декабр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ  
Ў.И.Барноевни Самарқанд вилояти ҳоқими лавозимидан озод этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

Ўктам Исоевич Барноев Самарқанд вилояти ҳоқими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2010 йил 17 декабр

## Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили режалари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишида Давлатимиз раҳбари илгарии сурган гоя ва вазифалар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда янги босқични бошлаб бермоқда. Ўтган давр ичида олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат аҳолининг ҳаётга муносибати, фуқаролик масъулияти, дахлдорлик хисси ҳамда фаровонлиги юксалишида етакчи омилга айланди. Ана шу қудратли омил ҳаммамизни, жўшқин янгиланиб бораётган жамиятимиз барча аъзоларини шу азия ва мўътабар дийримиз — хур Ўзбекистонимизни гуллаб-яшнаши учун самарали меҳнат қилишга олтантирмоқда, жамки ижтимоий кучларни жиқлаштириб «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгиланган бош вазифа — тараққий топган, фаровон яшаётган давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга эришиш вазифасини изчил, қадам-бақадам амалга оширишга руҳлантирмоқда.

## Мустаҳкам ва қудратли таянч

Биз бу йўлда муайян тажриба ҳам орттирдик. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳар йили олдимизга аниқ мақсад ва вазифа қўйиб, буюм дастурий режаларни ишонч билан амалга ошираёلمиз. Чунончи, якунланаётган «Баркамол авлод йили» ҳам шу жиҳатдан алоҳида аҳамиятга молик босқич бўлди. Жумладан, қисқа фурсатда 600 дан ортқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ўрганилиб, тегишли кўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Бу эса ўшлар тарбияси, ўқиси ва меҳнатига ижобий таъсирини кўрсата бошлади. Айна давом эттирилиб, 2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинди. Тан олиш керак, ушбу соҳани ривожлантирмасдан туриб, бозорларимизни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириб, янги иш ўринлари яратиш жараёнини жадаллаштириш мушкул. Шу боисдан кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳаракатига тегишли кўмак ва рағбат бериш, улар учун зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратиш гоят муҳим аҳамияти касб этапти. Президентимиз маърузасидаги улкан вазифалар, йўл-йўриқлар Ўзбекистон савдо ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмасининг фаолиятига кенг йўл очиб, кундалик ва истиқболдаги саъй-ҳаракатимизнинг асосий йўналишларини оидинлаштириб берди. Хусусий тадбиркорлик ёки бизнесини бошлаётган ҳамюртларимизни қовуштириш, ҳар томонлама кўлаб-қувватлашда барча манфаатдор идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш касба уюшма ташкилотларимиз учун долзарб вазифага айланди. Чунончи, маърузада эътироф этилганидек, мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортқи айнан

шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам фаолиятимиз кўламини янада кенгайтиришни талаб этади. Бозор иқтисодиёти шароитида иш берувчилар ва хўжалик ташкилотлари билан ижтимоий шерикчилик асосида фаолият юритаётган тармоқ касба уюшмаси турли мулк шаклидаги 11 мингдан зиёд корхона ходимларини ўз хизмати билан қамраб олган. Ҳозирда шаҳар ва туман тармоқ касба уюшма ташкилотларимиз сафига 50 мингдан ортқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ходимлари бирлашган. Ходимлар ҳуқуқ ва манфаатини самарали ҳимоя қилишда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти касба уюшма кенгашилари, Марказий кенгашининг Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Қашқадарё вилоятлари бўйича вакилликлари, айниқса, самарали иш олиб бормоқда. Шу ўринда бир мисол. Қашқадарё вилояти вакиллиги саъй-ҳаракати билан Қарши шаҳар буюм бозоридан яқка тартибда фаолият олиб бораётган тадбиркорлар ва хусусий дўконлар касба уюшма ташкилотига бирлаша бошлади. Қисқа фурсатда аъзолар 1000 кишидан ортқ, касба уюшма кўмитаси сайланди. Муҳими, тарқоқ тадбиркорлар касба уюшмаси ҳимоясига олиниб, уларга турли ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш ташкилий ва амалий тус олди. Биз шаҳар ва қишлоқлардаги хусусий корхона, фирма, деҳқон-фермер хўжаликлари ва бошқа нодавлат корхоналаридаги ходимларни касба уюшмасига тортиш, ташкилотчилик ишларимизга барча бўғинлардаги, айниқса, бошланғич касба уюшма ташкилотлари етакчилигига ёш мутахассисларни жалб этиш йўлидан бораёلمиз. (Давоми 2-бетда)

## Матбуот анжумани

### Хуқуқий етуклик сари

Адлия вазирлиги ташаббуси билан Тошкент Давлат юридик институтида «Хуқуқий етуклик баркамолликка эллади» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тошкент Давлат юридик институти ректори Мирзаюсуф Рустамов тадбирни очар экан, йиғилганлар эътиборини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис палаталари кўша мажлиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъру-

заларининг моҳияти ва аҳамиятига қаратди. Тадбирда «Хуқуқий етуклик баркамолликка эллади» ўқув-услубий кўламини тақдироти ҳам ўтказилди. Кўламинида ёшларнинг конституциявий, ҳуқуқий, солиқ ҳамда экологик маданиятини ва бошқа соҳадаги билимини юксалтириш, қолаверса, инсон ҳуқуқлари, уни мамлакатимизда янада мустаҳкамлаш борасидаги ислохотларнинг мазмуни ёритиб берилган. Анжуман сўнгида ушбу тарғибот ишларини янада такомиллаштириш, 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон

қилиниши муносибати билан вазирлик ҳузурида тузилган Хуқуқий тарғибот гуруҳи томонидан «Еш тадбиркор — элга мададкор» мавзусидаги тизимли тадбирларни амалга ошириш юзасидан махсус лойиҳа ишлаб чиқилгани, лойиҳа 2011 йилнинг феврал ойида ўз ишини бошлаши таъкидланди. Тадбирда Адлия вазирлиги масъул ходимлари, институтнинг профессор-ўқитувчилари, талабалар ҳамда давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» муҳбири

## Хабар

Хоразм вилояти тижорат банклари томонидан тадбиркорларни кўлаб-қувватлаш мақсадида кўлаб кредит маблағлари ажратилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида бу кўрсаткич 81,5 миллиард сўмга етказилди. Бунинг эвазига 12 минг 730 дан зиёд ишчи ўрни яратилди. Йил охиригача ажратиладиган кредитларнинг умумий миқдори 98 миллиард сўмни ташкил этиши кўзда тутилган.

## Янги иш ўринлари

Урганч туманидаги «Баҳром» фермер хўжалиги «Агробанк»дан олган кредит маблағи эвазига сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқланган ҳолда савдога чиқаришни йўлга қўйди.

— Олинган кредит ишимиз самарадорлигини оширишга, янги иш ўринлари яратишга сабаб бўлди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Маркс Раҳмонов.

Муҳаббат ТўРАБОВА, «Ishonch» муҳбири



2011 йил учун «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига обуна давом этмоқда.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши тизимидagi ташкилотлар 2011 йил учун «Ishonch» газетасига 2588 та, «Ishonch-Доверие» газетасига 547 та обуна бўлишди. Халқимиз маънавиятини бойитиш, жамиятнинг маърифий даражасини ошириш йўлида бизни кўлаб-қувватлаётган ҳамкорларимизга миннатдорчилик билдирамиз.

## Муваффақият ортидаги меҳнат

Шерзод ПИРНАФАСОВ, Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси кенгашининг Курортлар бошқармаси даволаш-соғломлаштириш бўлими бош мутахассиси

— Украинада Абу Али ибн Синонинг авлоди эканлигимдан, бу номга муносиб бўлиш учун интилаётган ўзбек ёшларидан бири сифатида баҳсларда қатнашаётганимдан фахрланганман... Фаолиятим тақозоси билан юртимиздаги ҳар бир санаторийда бўлиб, айнан даволаш жараёнининг энг ривожланган мамлакатларникидан-да аълороқ эканлигини кўриб гурурланаман... Энг ҳаяжонлиси эса, қаери оғриётганини сўз билан тушунтириб, кўли билан кўрсатиб бера олмайдиган гўдақларнинг дардига шифо бериш. Чунки бу жараён ўта маъсулиятли ва мураккаб... 3 бет

# Самарқанд вилояти кенгашининг сессияси

(Боши 1-бетда)

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд воҳасида кейинги йилларда қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан қарийб 200 миллиард сўм капитал маблағ йўналтирилди. Буларнинг барчаси Самарқанд шаҳри, вилоятдаги туман ва қишлоқларимизнинг янада қуркам ва обод бўлишида, шу юрда яшаётган инсонларнинг эҳтиёжини таъминлашда салмоқли қадам бўлиб, айни вақтда хорижий сайёҳ ва меҳмонларнинг ҳайрат ва ҳавасини уйғотмоқда.

Сессияда бундай кенг қўламли ишларга ҳолисона баҳо берилган ҳолда, Самарқанд вилоятининг катта салохиятини, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган аҳолининг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини инобатга олиб, бу талабларни қондириш, вилоятда мавжуд бўлган ресурс ва имкониятларни оқилона ишлатиш бўйича ҳали қилинадиган ишлар кўпчилиги алоҳида таъкидланди.

Маълумки, ҳозирги кунда иқтисодий тартиқотишни инвестициялар, авваламбор, хорижий инвестициялар сиз тасаввур этиб бўлмайдиган. Шу борада Самарқанд вилоятдаги мавжуд аҳолига назар ташланадиган бўлса, вилоят иқтисодийоти хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласига етарли даражада эътибор берилмапти. Утган йили тўғридан-тўғри жалб этилган инвестициялар миқдори 10 миллион долларни ташкил этгани ҳолда, бу йил ушбу кўрсаткич 6 миллион долларга тушиб қолганини афсус билан қайд этиш лозим.

Хорижий инвестициялар иштирокида барпо этилган қўшма корхоналарнинг 14 таси мутлақо ишламаяпти, 6 таси жорий йилда ўз фаолиятини тугатган ва яна 4 таси тўхташ арасида турибди.

Самарқанд воҳасида мамлакатимиз иқтисодиёти учун долзарб аҳамиятга эга бўлган масала — яъни, вилоятда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажминини ошириш, шу орқали валюта тушумини кўпайтириш ва корхоналарни модернизация қилиш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Биргина жорий йилнинг 9 ойи мобайнида маҳсулот экспорт 56 миллион долларни ташкил этиб, утган йилнинг шу даврига нисбатан 50 миллион долларлик маҳсулот кам экспорт қилинган ҳам бунини исботлайди.

Юртбошимиз саннат соҳасидаги муаммолар ҳақида гапирар экан, номи бир пайтлар бутун минтақага машҳур бўлган «Самарқанд лифтозолик заводи», «8 Март», «Нафис» чинни фабрикаси каби корхоналар деярли фаолият кўрсатмаётгани, «Сино», «Алпомиш», «Кинап» каби йирик заводлар эса 35-40 фоиз қувват билан ишлаётгани вилоят раҳбариятини ташвишга солмаётганини афсус билан қайд этиди.

Вилоят бўйича рўйхатда олинган қарийб 15 минг кичик бизнес субъектининг 4 мингта яқини умуман фаолият кўрсатмаётгани. Бундай корхоналарнинг аксарияти Самарқанд шаҳри, Нуробод, Пахтачи туманларига тўғри келади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда, жумладан, Самарқанд вилоятда қишлоқларимизни ҳар томонлама тараққий топтириш мақсадидида катта ишлар амалга оширилаётгани, айни пайтда бу борада йўл қўйилаётган камчиликлар, мавжуд муаммо-

лар ва уларнинг ечими ҳақида атрофлича тўхталиб ўтиди.

Самарқанд вилоятда намунавий лойиҳалар бўйича замонавий уй-жойлар барпо этиш учун жорий йилнинг ўзига 21 та қишлоқ массивида қарийб 44 миллиард сўмлик капитал маблағ ҳисобидан 650 та уй-жой қуриш ва уларни шу йилнинг учинчи чорагида фойдаланишга топшириш белгиланган эди. Лекин, афсус билан айтиш керакки, бундай янги, одамларнинг интилишини тортаётган, қишлоқларимизни обод қилиш, қишлоқ ҳаётини шаҳар даражасига кўтаришда истиқболли катта бўлган муҳим масалага етарлича эътибор берилмапти. Бунинг натижасида ана шу йилларни қуришда суғиналикка ва уларни топшириш мuddатларини асоссиз равишда кўзиб юборишга йўл қўйилмоқда.

Хаммамизга яхши маълум бўлиши керакки, жойлардаги барча янги қурилишлар ёки ободончилик ишлари бўладими, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни ўз вақтида бериш бўладими, муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш бўладими — буларнинг ҳал қилувчи энг муҳим манбаи вилоят, шаҳар ва туманларнинг молиявий аҳолига бевосита боғлиқдир, деди Юртбошимиз.

Шу борада Самарқанд вилоятдаги ишлар таҳлил қилинди. Аввало, 2009 йилда дотацияга тушиб қолган 8 та туманнинг ҳанузгача дотацияда қолиб келаётгани қайд этилди. Айниқса, Қўшрабат, Булунғур, Пайарик, Иштихон, Пастдаргом ва Каттакўрғон туманларида дотация улushi юқорилигича қолаётганига эътибор қаратилди.

2010 йилнинг 1 октябрга қадар вилоят бўйича дебиторлик қарзлар қарийб 830 миллиард сўмни, кредиторлик қарзлар эса деярли 950 миллиард сўмни ташкил этган. Хусусан, Самарқанд шаҳрида, Булунғур, Нуробод, Пайарик, Ургут ва Қўшрабат туманларида дебиторлик ва кредиторлик қарзлар йил бошига нисбатан камайиш ўрнига ўсиб бормоқда.

Ахвол шундай бўлишига қарамадан, бу муаммонинг ечими бўйича вилоят, на ушбу ҳудудлар раҳбарлари томонидан аниқ амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилмаган.

Вилоятда санаот корхоналарини молиявий соғломлаштириш борасида ҳам етарлича чора-тадбирлар қўрилмапти. Бунинг натижасида шу йилнинг 1 октябрга қадар 7 та корхона ўз фаолиятини зарар билан яқунлаб, қўрилган зарар миқдори 3 миллиард 460 миллион сўмдан ошиб кетган.

Президентимиз ҳар томонлама ўринли таъкидлаб ўтганидек, бундай корхоналарда ишлаётган одамларнинг ҳаёти, тақдири нима бўлади, улар оиласини қандай боқадди, ишсизликнинг кўпайиши эртага қандай оқибатларга олиб келиши муҳимлиги ҳақида вилоятда ўзини раҳбар деган, етакчи деган шахслар умуман ўйлашгани йўқми, деган савол, афсуски, жавобсиз қолмоқда.

Мамлакатимизда аҳолини, авваламбор, ҳаётга кириб келаётган ёшларимизни иш билан таъминлаш масаласи қандай ўткир ва долзарб бўлиб тургани, бу муаммонинг ечими бўйича кейинги йилларда амалга оширилаётган ишлар, ушбу масала давлатимиз, жамиятимиз, барча-барча идоралар, фаолларнинг эътибор марказида тургани ҳақида ҳам фикр юритилди.

Давлатимиз раҳбари юртимиз

бўйича 2010 йилнинг ўзига 940 мингдан кўпроқ янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, уларнинг ярмидан кўпи қишлоқ жойларда очилганини қайд этиди ва қуйидагиларни таъкидлади.

Маълумки, Конституциямиз байрамига бағишланган мажлисдаги Президент маърузасида бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Энг муҳими, бу йўналишдаги муаммоларни ечишда биринчи навбатда раҳбарлар — бу вазирлик ва марказий идоралар раҳбарлари бўладими, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари бўладими — уларнинг жиммасига қандай катта масъулият юклатилгани ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Самарқанд вилояти кенгашининг сессиясида ҳам бандлик масаласининг нақадар муҳим ва ҳал қилувчи, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маънавий нуқтани назардан қай даражада долзарблиги яна бир бор ўртага қўйилди.

Албатта, бундай муаммоларни ечишда Самарқанд вилоятида, шаҳар ва туманларда анча ишлар қилинган. Лекин бу масала бўйича Олий Мажлис томонидан тасдиқланган дастурининг Самарқанд вилоятда 97 фоизга бажарилганини нима билан изоҳлаб бўлади?

Сессияда таъкидланганидек, ушбу масалага жавобгар бўлган раҳбар ва ходимларнинг — бу вилоят даражасида, шаҳар ёки туман даражасида бўладими — биринчи навбатда уларнинг масъулиятини алоҳида кўриб чиқиш зарур. Қайси туман, қайси шаҳар, қайси раҳбар бу масалага совуққонлик билан қараётгани бўйича тегишли хулосалар чиқариш даркор. Ахир, ҳар қайси ишсиз юрган одам учун, энг муҳими, энди ҳаётга кириб бораётган ёшларимиз учун бу масала ўзининг қасбу хунарига қараб муносиб иш топиш, муносиб ҳақ олиш, ўз ҳаётини, оиласини тебратиши учун, эртанги кунини қуриши учун нақадар муҳим, нақадар ўткир савдо эканини авваламбор биз, ҳалқ ишончига сазовор бўлган раҳбарлар тушунишимиз, англашимиз, юракдан ўтказишимиз зарур эмасми, деди Президент.

Шуни очик айтиш мумкин: бугунги кунда ҳар қайси шаҳар ва туман раҳбаридан улар бошқарган ҳудудда қанча одам ишсиз юргани ва иш қидираётгани, ким доимий иш билан, ким вақтинчалик иш билан бандлиги ҳақида, ишсизликнинг даражаси ва улushi ҳақида сўрасангиз, аниқ-равшан жавоб ололмайсиз. Ваҳоланки, бугунги кунда, жойлардаги мавжуд вазиятга салбий таъсир ўтказадиган сабаблар ҳақида гапирганда, айнан шу масала энг ўткир бўлиб турганини англаш, масъулиятни сезиш вақти келмадими?

Бу масалага бўлган муносабатни мутлақо ўзгартириш зарурлигини бугун замоннинг ўзи талаб қилаётгани қайд этилди.

Вилоятнинг бир қатор шаҳар ва қишлоқларида водопровод ва канализация тармоқларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш масаласи мутлақо эътибордан четда қолаётгани, бу соҳада охириги йилларда етарли даражада маблағ ажратилмагани сабабли 70 километрдан ортиқ қувурларни алмаштириш талаб этилаётгани ҳеч қимни, авваламбор, тегишли раҳбар ва мутасаддиларни ташвишга солмасдан келмоқда. Айнан шу тўғрйли ҳозирги кунда аксарият кўп қаватли уйларга ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти етиб бормаяпти.

Бугунги кунда ақлга сиғмайдиган баъзи ҳолатлар ҳақида фақат афсусланиб гапириш, хусусан, водопровод тармоқларининг ишдан чиқиши оқибатида одамларнинг қудуқ сувидан фойдаланишга мажбур бўлаётганини Булунғур ва бошқа туманларда кузатиш мумкин.

Табийи газ билан таъминлаш ҳақида гапирганда, бу масалада ҳам шу каби ноҳус мисоллар кам эмаслигини айтиш лозим. Жумладан, Самарқанд, Ургут, Тайлоқ, Пайарик, Каттакўрғон туманларида бу нуқсонлар кўзга ташланмоқда. Айни қиш пайтида бундай ҳолат одамларнинг ҳақли эътирозини уйғотмоқда.

Бу каби камчиликлар, айниқса, электр энергияси таъминотидаги узилтишлар айрим қишлоқ врачлик пунктларида учрашини ҳеч чидаб бўлмайдиган ҳол деб баҳолаш керак.

Сессияда вилоятда ҳуқуқ-тартиб соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам сўз юритилиб, жиноятчилик ва қонун бузилишларига қарши кураш бўйича ҳали қилинадиган ишлар кўпчилиги таъкидланди.

Сўнгги икки йил давомида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этиши, босқинчилик, талончилик, қасддан одам ўлдириш каби жиноятлар қўрсаткичи юқори даражада бўлиб қолаётгани кузатишмоқда. 2009 йилда оқилганда жиноятлар сони 443 та бўлган бўлса, жорий йилнинг ўн ойи давомида бу кўрсаткич 311 тани ташкил этган.

Бу борада кўзга ташланаётган ноҳус бир ҳолат одамда ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Яъни, вилоятда 2008-2010 йиллар давомида 1391 нафар мансабдор шахс порахўрлик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва ўзганинг мулкни талон-торқ қилиш билан боғлиқ жиноятлар содир этгани учун жиноий жавобгарликка тортилган. Уларнинг 6 нафарини ҳоким ва ҳоким ўринбосарлари, 83 нафарини ички ишлар ходимлари ва бошқа бўғиндаги мансабдорлар ташкил этади. Масалан, вилоят ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Г.Шодиева, Самарқанд шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Хусанов, Иштихон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ҳамроев, Каттакўрғон тумани ҳокимининг ўринбосари Э.Дониёров турли жиноятлар билан айбланиб, жавобгарликка тортилган.

Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида кўзга ташланаётган, чидаб бўлмайдиган энг ноҳус ҳолатлар — бу кўзбўямачилик, салбий кўрсаткичларни сунъий равишда пасайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг шахсий таркиби томонидан хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ. Хусусан, пора олиш ва таъмагирлик тўғрйли жиноий жавобгарликка тортилганлар орасида 21 нафар ички ишлар ходими, 6 нафар прокуратура ва суд ходими борлиги вилоятда бу борада тартиб-интизом, талабчанлик ва назоратнинг бўшаштириб юборилганидан дарак беради.

Юқорида зикр этилган камчилик ва муаммоларнинг барчаси охири-оқибатда бир масалага, яъни Самарқанд вилоятининг бошқаруви, авваламбор биринчи раҳбар фаолиятига, унинг иш услубидаги камчиликларга бориб боғланади, албатта.

Маълумки, бундан икки ярим йил олдин Уктам Барноевга катта ишонч билдирилиб, у Самарқанд вилоят ҳокими лавозимига тасдиқланган эди. Уз фаолиятининг дастлабки даврида вазиятни ижобий томонга

ўзгартириш, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масаласида У.Барноев томонидан бирмунча ҳаракатлар бўлди. Лекин кейинчалик унинг фаолиятида ишга масъулиятсизлик билан ёндашиш, вилоятдаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда бепарволик ва сусткашлик, эришилган натижалардан қониқиб қолганлиги кўзга ташлана бошлади.

Ишга бундай лоқайд муносабат қандай салбий оқибатларга олиб келганини юқорида зикр этилган мисоллар яққол тасдиқлайди. Бу мисолларни давом эттириб, кадрлар масаласида, яъни вилоят, шаҳар ва туман даражасидаги кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда, авваламбор, уларнинг қобилияти, билими ва тажрибаси, ишни билиши, салохияти ва истиқболини ҳар томонлама ўрганиб, бамаслаҳат қарор қабул қилишда жиддий камчиликларга йўл қўйилгани ҳақида кўп фактларни келтириш мумкин. Масалан, ўз вазифасига ноҳайит, ишни уйдалаб олган, ҳалқ ишончини йўқотган айрим вилоят ташкилотлари раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари фаолиятига баҳо беришда У.Барноев қатъиятсизлик ва сусткашликка йўл қўйиб, уларнинг камчиликларидан кўз юмиб келган. Бундай ноҳайит кадрлар асосан Президент девонига ташаббус билан алмаштирилган.

Вилоятда замонавий билим ва профессионал малакага, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясини битирган ёш кадрларга ишонч билдириш, уларнинг йўлини очиб бериш ўрнига масул лавозимларга бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган номзодларни тавсия этишдек номмақўл тажриба қўланиб келган.

Мажлисда таъкидланганидек, вилоят ҳокимининг иш фаолиятида кузатилган яна бир жиддий камчилик шуки, Самарқанд заминидида нуфузли олий ўқув юртилари, илмий-тадқиқот марказлари, маданият муассасаларида меҳнат қилаётган, ўз ҳаётини илм-маърифатга бағишлаган заҳматқор олимлар, санъат ва маданият намояндлари, шу юртининг ҳақиқий фидойилари бўлган инсонларга, уларнинг дарду муаммоларига эътибор бериб, илмий-ижодий изланишлари, бой салохиятини вилоятни рағбат топтириш йўлида бирлаштириш, сафарбар этишга унинг қурби етмади. Холбуки, ўзига нисбатан катта ишонч билдирилган ҳар қайси раҳбар, шу жумладан, Самарқанд вилоятини бошқаришдек ўта масъулиятли вазифага тайинланган шахс, авваламбор, бу ишга киришишни кўп миллатли, кўпни кўрган, қанчадан-қанча синовлардан ўтган ҳалқнинг ўзига хос ва ўзига мос табиати ва мангалитети, дунёқароши, бу вилоятнинг сир-асрори, тарихи билан, ўз фаолияти, ҳалол меҳнати ва хизмати тўғрйли катта обрў қозонган, етакчи, кайнони бўлиб танилган одамлар билан яқиндан танишиш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини, маслаҳат ва тавсияларига қулоқ солиш ва тегишли хулосалар чиқаришдан бошлаши лозим.

Ҳалқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг 2008 йил апрел ойидаги У.Барноев вилоят ҳокими этиб сайланган сессияда унга айнан шундай маслаҳатлар берилган эди. Бу шахснинг ўз фаолиятида энг бошдан хатога йўл қўйганини айни шу тавсияларга жиддий қарамагани,

уларни эътиборга олмаганида кўриш мумкин. Яъни, Барноев ўзига ортинча бино қўйиб, атрофидаги муовинлари ва фаолларнинг фикрини менсимасдан, манманликка, ўзбошимчиликка берилиб кетгани охири-оқибатда унинг обрўсига путур етишига олиб келди.

Барноевда бугунги раҳбардан замоннинг ўзи талаб қилаётган муҳим хусусиятлар, авваламбор, кенг миқёсда фикрлаш, ён-атрофидаги фаолларга суяниб-таяниб, уларнинг бошини қовуштириб ишлаш, бағрикенглик аломатлари ва ҳаётий тажриба етишмаслиги намойён бўлди. Буларнинг барчаси вилоятда бир ёқадан бош чиқариб, бир-бирига елкадош бўлиб ишни бошқариш ўрнига кўпгина хато, нуқсон ва камчиликларга йўл қўйишга сабаб бўлди.

Вилоят олдида турган ўта муҳим ва масъулиятли вазифаларни, авваламбор, шаҳар ва туманларнинг иқтисодийоти, социал соҳани ривожлантириш, аҳолининг оғирини енгли қилишда бундай ярқоқсиз иш услуби ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Юртбошимиз шу муносабат билан барча раҳбарларга дахлдор бўлган ҳақиқатни яна бир бор эслатиб ўтиди: сен бошқарган, сенга ишонч билдирилган аҳоли, эл-юрт, жамоатчилик ҳамма нарсани кузатади, ҳамма нарсани хабардор, ҳамма нарсани англайди ва вақти келганда тегишли хулоса чиқаради.

Сессияда ташкилий масала қўрилди. У.Барноев Самарқанд вилояти ҳокими лавозимидан овоз қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов тавсиясига кўра, Самарқанд шаҳар ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Зойир Мирзаева Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Бу дунёда ҳар қайси инсон бахтли бўлиши, муносиб ҳаёт кечириши нисбатан. Халқимизнинг шу борадаги эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, эл-юртимиз учун ҳеч қандам кам бўлмаган ҳаёт даражасини таъминлаш йўлида ўзимизни аямасдан меҳнат қилиш биз — раҳбар ва фаолларнинг нафақат вазифаси, айни вақтда муқаддас бурчимиздир, деди пировардида давлатимиз раҳбари.

Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд вилояти бўлими раиси ўринбосари Бахтиёр Ҳўжаёров, «Маҳалла» жамғармаси Қўшрабат тумани бўлими раиси Нормуҳам Усмонов, «Эл-ҳолдинг» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқаруви раиси Рустам Сатторов, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси раиси Хадича Ҳафзарова, Пастдаргом тумани ҳокими Абду-мумин Жўраев, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институту ректори Собир Бобоев, Самарқанд туманидаги «СамРосХолод» қўшма корхонаси раҳбари ўринбосари Шавкат Йўлдошев ва бошқалар Президентимиз нуқтида баён этилган танқидий фикрлардан зарур хулосалар чиқариб, кўрсатиб ўтилган камчилик-нуқсонларни бартараф этиш, вилоят олдида турган муҳим ва долзарб вазифаларни бажариш, ислохотларимиз самарасини ошириш учун бутун Самарқанд ахли белни қаттиқ боғлаб, астойдил меҳнат қилади ва қўлланган марраларга албатта эришади, деб таъкидлади.

(ЎЗА)

# Мустаҳкам ва қудратли таянч

(Боши 1-бетда)

Жумладан, биргина Тошкент вилояти тармоқ касабга уюшма ташкилотларида бу йил 150 га яқин малакали, ташаббускор ёшлар касабга уюшма етакчилигида сайланди. Умуман, республикада тармоқ касабга уюшмасининг асосини ташкил этувчи 403 та бошланғич ташкилот раисларининг ҳар тўртинчиси ёшлар ҳисобига янгиланди. Натижада, меҳнат жамоаларида маданий-маърифий тадбирлар, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, дам олдириш ва соғломлаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишлар сезиларли юнгаланди.

Бундай ҳужалик идоралари ва иш берувчилар билан ижтимоий шерикчилик тамойили муҳим ўрин тутаятир. Ҳозирда тармоқ касабга уюшмаси Марказий кенгашининг Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, «Узлугуржисавдоинвест» ассоциацияси билан ўзаро ҳамкорлик қилишувчи мавжуд. Бу ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини ташкил этиш, меҳнатга ҳақ тўлашининг адолатли тизимини яратиш, хавфсизлик техникаси ва меҳнат муҳофазаси борасида назоратни кўчатиришда қўл кел-

моқда. Шунингдек, иш берувчилар масъулиятини ошириш, ишсиз фуқароларни янги меҳнат ўринлари билан таъминлашда давлат ва ҳўжалик идораларига ҳўмаклашиш каби масалаларда касабга уюшма ўз фаоллигини оширмоқда.

Ҳозирда тармоқ касабга уюшмаимизнинг вилоятлар бўғинида 31 та ана шундай ижтимоий келишув амалда. Уларда кўзда тутилган тадбир ва вазифаларни муваффақиятли бажаришда пойтахтимиз, Тошкент вилояти, Бухоро, Самарқанд, Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё ва Наманган вилоятлари касабга уюшма ташкилотлари ташаббус кўрсатмоқда.

Шунингдек, ушбу келишувларда жамоа шартномаларининг самарадорлигини янада оширишни кўзлаб, ижтимоий енгиллик ва қароллар доирасини кенгайтириш корхоналар фаолияти билан боғлиқ эканлиги ҳам назарда тутилган. Табиийки, ишловчиларнинг ишлаб чиқариши, савдо-тижорат ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишдан манфаатдорлиги иш берувчилар билан ходимлар ўртасида ижтимоий уйғулик-

ни кўчатириш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш жараёнига муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Жамоа шартномалари қабул қилинган хусусий корхона, фирма ва бошқа нодавлат ташкилотлари кейинги 5 йилда 1,5 мингтага кўпайиб, 4 мингдан ошгани қувонarli. Ҳозирда касабга уюшмаимиз Самарқанд вилояти вакилиги тасарруфидаги корхона ва ташкилотларнинг 78 фоизига касабга уюшмаси аъзолари жамоа шартномалари орқали қўшимча имтиёз ва енгилликлардан фойдаланмоқда.

2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши касабга уюшма ташкилотларининг келгусидаги фаолиятига янгича талаблар қўйди. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида қайд этганидек, илгор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришга кенг йўл очиб беришимиз зарур.

Ушбу жараёнда касабга уюшмаларнинг фаолияти ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Биринчидан, касабга уюшма ташкилотларининг барча бўғинида хусусий

тадбиркорлик ёки бизнесини бошлаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, кредит ажратилишини расмийлаштиришда мавжуд тўсиқларни бартараф этишда тегишли давлат ва ҳўжалик идоралари, бошқа манфаатдор нодавлат ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорликни кўчатириши даркор.

Иккинчидан, яқна тартибда тадбиркорлик, кичик бизнес билан шуғулла-наётган хусусий корхоналарни ташкил этиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиши йўлга қўйган тадбиркорлар, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш корхоналарида ишловчиларнинг ҳуқуқи ҳамда меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ишончли ҳимоялашиш устидан жамоатчилик назоратини кўчатиришимиз керак.

Афсуски, ҳар иккала йўналишда ҳам қатор муаммолар мавжуд. Яқунланган ҳисобот-сайлов конференцияларида йўл қўйилган камчиликлар, ечилиши зарур бўлган долзарб муаммолар ҳақида атрофлича фикрлашиб олинди. Бу борада қабул қилинган қарорлар давлатимиз раҳбари кўни кеча илгари сурган вазифалар асосида қайта кўри-

лаштириш. Касабга уюшма фаоллари хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес ҳаракати вакиллари, фермерлар, шу соҳада меҳнат қилаётган ходимларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиб, уларнинг бевосита иштирокида тармоқ касабга уюшмаимизнинг ҳаракат дастури ишлаб чиқилмоқда.

Касабга уюшмалари, айниқса, бошланғич касабга уюшма ташкилотларининг қўч-ғайратини тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган ваколатлар доирасида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» дастурий вазифаларини собитқадамлик билан амалга оширишга сафарбар этилапти.

Ҳеч шубҳа йўқки, бу умуммиллий сайё-ҳаракатлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни кенг қўлабда ривожлантириш юртимиз тараққийоти-нинг, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам ва қудратли таянчига айланишини таъминлайди.

**Чори ШОДИЕВ,**  
Ўзбекистон савдо ходимлари ва тадбиркорлар касабга уюшмаси Марказий кенгаши раиси

Андижон вилоятида ногиронлар ва ўзгалар парваришига муҳтож қариялардан 3500 дан ортиғи соғлиқни сақлаш муассасаларида диспансер кўригидан ўтказилди.

**Ногиронларга ғамхўрлик**



Баркамол авлод — келажак пойдевори

Куни кеча Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида университет касаба уюшмаси ва «Камолот» ЁИХ ҳамкорлиқда «Баркамол авлод — буюк келажакимиз пойдевори» мавзуида илмий-амалий конференция ташкил этди.



Конференция

— Якунланаётган Баркамол авлод йили, айниқса, талабаларимиз ҳаётида унутилмас воқеаларга бой бўлди, — анжумани очар экан ташкилдида университет ректори Фахружон Муҳамедов. — Муҳтарам Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққийтимизнинг муҳим омилдир» маърузасида белгиланган вазифалар барча-

миз учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Анжуманда университет проректори Қаҳрамон Куронбоев Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасини ўқиб ўрганиш талабалар салоҳиятини оширишда муҳим омил экани ҳақида сўз юритди. Айтиш жоизки, ЎзМУда ўқув жараёни ва илмий-та-

дабиётлар, аудио ва видео материаллар билан таъминланган «Маънавият ва маърифат маркази» университети талабаларининг сеvimли масканига айланган. Тадбирда университет «Фаоллар мактаби» иштирокчиларининг турли мавзудаги маърузалари кўпчиликтида катта қизиқиш уйғотди. Анжуманда иқтидорли талабалардан бир гуруҳи диплом ва бошқа эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» мухбири

Умр қадри

«Бирни кўриб, фикр қил...»

«Гранд» радиоканали орқали жонли эфирда узатилаётган дастур бирдан диққатини тортди. Сабаби, радиобошловчи доимгидек кувноқ эмас, гаптин оҳангда сўзларди. Унинг титроқ овозидан мактуб ўқийётганини англадим: «Наҳот, менга оқ кўйлак кийиш насиб этмас? Наҳот, ўз оилам бўлишини кўролмасам, фарзандларимни эркатолмасам? Яқинларим, ота-онам тобутим ортидан бўлаб қолсалар? Йўқ, буларни ўйлашинг ўзи даҳшат! Ота-онамга айтсам, улар буни кўтаролмайди. Айтмасам, бу дард дилимни куйдиради. Маслаҳат беринг, нима қилай?»

Мактуб якунлангач, бошловчи изоҳидан сўнг 22 ёшли қизнинг оғир хасталикка чалиниб, умри тугаб бораётганлигини, дардига биров бўлса-да, юпанч излаб, радиога хат йўллаганини аниглаб олди. Унинг сўзлари мени, бошловчини, аминманки, барча тингловчиларни ўйга толдириб қўйди. Дастурнинг руҳи ўзгарди.

Одатдаги шўх мусиқалар ўрнини маҳзун тароналар эгаллади. Умри айна гуллаган вақтида якун топаётган қизнинг дардига йўрилган сўзлари барчани ҳаёт ва унинг қадри ҳақида ўйлашга чорларди. Бир-бирига салом-табрик жўнатиб эзилган мактублар, кераксиз мантқисиз СМСлар, ошқиларнинг дил розлари, баъзида бошловчи ва муҳлиснинг гаши келтирувчи мулоқоти ўрнини вазминлик эгаллаган эди.

Студияга бирин-кетин кўнгирак бўла бошлади. Ҳамма қизга ҳамдардлигини билдириб, маслаҳат беришга ҳаракат қиларди. Биров «ота-онангизга бу ҳақда айтинг», деса, яна биров «уларни ҳам азобга кўйманг», дерди. Дастур биров тушкун кайфиятда якунига етди. Шунга қарамай, у ҳаёт гўзаллигини бир инсон тақдирини яна бир марта очиб берди.

Ҳаётга ҳамма турлича боқади. Аммо баъзида эътиборсизлигимиз туфайли сувдек оқиб кетаётган вақтимиз биз учун берилган энг катта инъом эканлигини унутиб қўяётганимиз ҳақиқат. Бироқ, вақт ҳамиша уйғоқ, ҳамиша зийрак. Шундай экан, гафлат-да қолиб кетмайлик.

Дилноза МИРЗАЁҚУБОВА, УДЖТУ халқроқ журналистика факултети талабаси

Бугуннинг ёшлари



Орзулари

Жиззах шаҳридаги 1-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Ирода Жаъфарова гулларни парваришладан асло чарчамайди. Ўзи таълим олаётган ўқув даргоҳида ҳам у синф хоналарини гулзорга айлантириш ва яшилликка буркаш учун тиним билмайди. Бу каби юмушларда дугоналари Комила, Зарина, Зухра яқиндан кўмаклашиб келмоқда.

Дарвоқе, Ирода болаликдан оқ шёр машқ қилади. Ҳозирга қадар унинг «Оппок тонг», «Укамга», «Баҳор соғинчи», «Нафис капалак» каби ўн бешдан зиёд шеърлари республика вақтли матбуотида ёритилди. «Нафисгинам капалак» (2010 й.) тўплами чоп этилди. У бир неча бор «Янги авлод» болалар ижодиёт фестивали ёш қаламкашларининг «Нафосат» анжуманида фаол иштирок этиб, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланди. 2010 йил 23-27-май кунлари республика «Камалак» болалар ташкилотининг «Ватан, дўстлик ва ҳалқпарварлик учун» широри остидаги анъанавий IX анжуманида иштирок этиб диплом билан тақдирланди.

Ирода Жиззах шаҳар «Камалак» болалар ташкилоти сардорлар кенгаши раиси сифатида ҳам ўтказилаётган турли тадбирларда бош-қош. Шунингдек, тенгдошлари ўртасида спортнинг шахмат тури бўйича ҳам пешқадам. 2009 йил «Камолот» ЁИХ Марказий кенгаши тамонидан ўтказилган «Камолот шах-

У меҳр билан парваришлайётган гуллар айни қиш фаслида ҳам қийғос очилиб, чечаклар хуш бўйи бу ерга келиб-кетувчиларни оҳанрабодек ўзига тортади. Уларнинг тароватини фасллар алмашинуви ҳам ўзгартиролмайди. Хоналарда гулларнинг юздан зиёд тури мавжуд. Айниқса, беқийс ёрқинлиги билан ажралиб турувчи нилуфар ноёб ҳисобланади.

Қоқади қанот

мат тахтаси» республика миқёсидаги мусобақа қатнашчиси. 2010 йил январ ойида Жиззах шаҳрида бўлган 1994-1996 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасидаги вилоят спартакиадасида қатнашиб, биринчи даражали диплом билан тақдирланди. Шу йил Тошкентда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб шахмат бўйича ўтказилган мусобақада иккинчи ўринни эгаллади. 2009 йилги «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари республика босқичи иштирокчиси ҳисобланади. Иродани шахсий кутубхонасида 500 дан зиёд бадиий адабиёт мавжуд. Отаси Бобур ака олий маълумотли иқтисодчи, онаси Нодира опа шу мактабда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида фаолият юритиб келади. Ирода жорий йилнинг 22-28 ноябр кунлари Дўрмонда ўтган ёш ижодкорлар республика ўқув-семинарида қатнашди. Яқинда у таълим йўналиши бўйича Зулфия номдаги давлат муқофоти лауреатлиги учун бўлган вилоят кўрик-танловига мутлоқ қолиб топилди, республика босқичига йўланма олди.

Абдулла САИДОВ, Жиззах вилояти

Ўқувчиларга компютер

Меҳр-муруватли, саховатпеша ҳомийлар бор бўлсин. Марғилон шаҳридаги имконияти чекланган ва уйда ўқитишга жалб қилинган 8 нафар 5 - 9 синф ўқувчисига сўнгги рўсумдаги компютерлар ҳада этилди. Уларга кўнма ҳосил қилгунга қадар алоҳида операторлар бирктиб қўйилган.

Кўрсатилган эҳтиром ва ғамхўрлик учун М. Ҳақимов, У. Раҳматиллаев, М Абдунабиев, Б. Юсупов қабилар ва уларнинг оила аъзолари ҳомий ташкилотларга миннатдорчилик изҳор этдилар.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ

Мактабимизда тўртта бўлим мавжуд бўлиб, уларда 11 та йўналиш бўйича таълим берилади. Бугунга келиб ўқувчилар сони 207 нафарга етди.

Айниқса, миллий халқ чолғу асбоблари ва фортепиано бўлимларида иқтидорли, санъатга ошуфта ёшларни қўриб, кўнгли яйрайди. Тасвирий ва оммавий санъат бўлимларида ганж ўймакорлиги, зардўзлик синфи ўқувчилари эришаётган ютуқлар ҳам кам эмас. Ёшлар қўлида ясалган уй жиҳозлари, рўзгор анжомлари, зардўзлик намуналари жилокорлиги билан ажралиб туради.

Жамоада «Дўстлик» орден-и совриндори Исмоил Назаров, касбининг чинакам жонқуярлари Собир Фозилов, Фарҳод Жабборов, Гулчехра Саидкулова, Феруза Муҳам-

Анъаналарга содиқ қолиб...

ларга олиб берилган жиҳоз ва мусиқа асбоблари, яратиб берилган шариот бизни янада кўпроқ ишлашга чорламоқда. Шу кеча-кундузда Муҳиддин Қорӣқубов номида-

ги республика соҳавий танловига кенг қўламдаги тайёргарлик ишларини бошлаб юборганимиз. Аллақачон аниқлаб олинган репертуарлар дастури асосида кизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Чолғу асбоблари ёрдамида ҳамда сюэта талқинидаги оммавий чиқишларда ёш ўғил-қизларимиз Ватан, меҳнат ва бахтли болалик руҳидаги куй-

Футбол

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осиё чемпионлар лигаси ва Осиё футбол конфедерацияси кубоги учун 2011 йилда ўтказиладиган мусобақаларга қуръа ташланди. Мазкур мусобақаларда биринчи марта Ўзбекистоннинг тўрт жамоаси иштирок этади.

Тўртовлон тугал бўлса...

Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган «Бунёдкор» ва «Пахтакор» жамоалари гуруҳ беллашувида араб ва эронлик футболчиларга қарши тўп сурадиган бўлишди. Осиё чемпионлар лигасида мунтазам қатнашаётган «Пахтакор» «В» гуруҳида Эроннинг «Истиқлол», Саудия Арабистонининг «Ан-Наср» клублари билан куч синашадиган бўлди. Гуруҳнинг тўртинчи вакили мусобақанинг плей-офф беллашувида аниқланади.

ОЧЛнинг «В» гуруҳидан жой эгаллаган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси олдинги йиллардагидан фарқли равишда бу мавсумдаги учрашувларини ўз уйида бошлаб ўз уйида ниҳоясига етказди.

Баҳорнинг илк кунига тўғри келган биринчи турда «пахтакор»чилар ўз уйида Саудия Арабистонининг «Ан-Наср» жамоасини қабул қилади. Демак «В» гуруҳининг тўлиқ тақвими билан танишинг.

Table with 2 columns: Team names and match dates. Includes teams like Istiklol, An-Nasr, and Bundekor.

«Бунёдкор» жамоаси эса Ал-Иттиҳод (Саудия Арабистони), «Ал-Ваҳда» (БАА) ва «Пирузи» (Эрон) жамоалари билан «С» гуруҳидан жой олди. Миржалол Қосимов шогирдлари 2 март кун БААда «Ал-Ваҳда» меҳмони бўлади. Худди ўтган йилдагидек, «қалдирғочлар» ўз майдонларидаги илк турда Саудия Арабистонининг «Ал-иттиҳод»ини қабул қилади.

Table with 2 columns: Team names and match dates. Includes teams like Al-Wahda, Piruzi, and Bundekor.

Осиё футбол конфедерацияси кубогида Қаршининг «Насаф» ва Ҳузорнинг «Шўртан» жамоалари иштирок этади.

Table with 2 columns: Group names (A, B, C) and list of teams. Includes teams like Saralash, Al-Ahad, and others.

«А» ва «В» гуруҳларининг тўртинчи вакили Осиё чемпионлар лигасининг саралаш босқичида аниқланади. Қондага кўра, плей-офф баҳсининг биринчи босқичида қолиб кетган жамоа «В» гуруҳидан, иккинчи босқичида мағлубиятга учраган жамоа «А» гуруҳидан жой олади.

2011 йилнинг 1 март кун «Насаф» илк учрашувда Ливаннинг «Ал-Ансор» жамоасини қабул қилса, Ҳузорликлар «Ал-Қодисия» (Кувайт) меҳмони бўлади.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

Ошуфта диллар

Ўзбекистон савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда тармоқ ходимлари касаба уюшмасининг Самарқанд вилояти вакилиги жамоалари Самарқанд иқтисодий коллежи касаба уюшмаси қўмитаси раиси Гулчехра САИДУРОВАнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Агроекология маъмурият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшмасининг Фарғона вилоят кенгаши жамоалари АСМ ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгашининг бўлим мудири Анвар МАХМУДОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгаши жамоаси собиқ савдо фахрийси ЯХЪЕНАЗАР отанинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Музаффар ХАЛИЛОВ, Қизилтепа туманидаги 2-мусиқа ва санъат мактаби директори

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and office details.